

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАР ҚУРИЛИШИ КАФЕДРАСИ

**5340400-Мухандислик коммуникациялар қурилиши ва монтажи бакалавр таълим йўналиши битирувчиси Альберт Алланазаровнинг «Нукус шаҳридаги турар-жой мавзесини газ билан таъминлаш» мавзуси бўйича**

**ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИНГ ТУШИНТИРИШ ХАТИ**

**Кафедра мудири:**

**т.ф.н. Д.Жумамуратов**

**Диплом лойихаси рахбари:**

**т.ф.н. Р.Қурбанбаев.**

НУКУС -2015

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ  
МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАР ҚУРИЛИШИ КАФЕДРАСИ

5340400- МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАР ҚУРИЛИШИ ВА  
МОНТАЖИ БАКАЛАВР ЙЎНАЛИШИ

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Битирувчи: Альберт Алланазаров.

1. **Диплом лойиҳаси мавзуси:** Нукус шаҳридаги турар-жой мавзесини газ билан таъминлаш.

ҚДУ бўйича 2015-йил 27 – январдаги № 38 с/5 буйруқ билан тасдиқланган

**Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар:**  $t_{\text{вн}} = - 0,6 \text{ } ^\circ\text{C}$ , (иситиш тизимларини ҳисоблаш учун «Б» параметр бўйича, таъминланганлик 0,92)  $t_{\text{м ис}} = -20^\circ\text{C}$ ; (вентиляция

тизимларини ҳисоблаш учун «А» параметр бўйича)  $t_{\text{м шам}} = -$

$9^\circ\text{C}$  1. ҚМҚ 2.01.01-94. «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик

маълумотлар». 2. ҚМҚ 2.04.08-96. «Газ таъминоти. Лойиҳа

меъёрлари». 3. Рашидов Ю.К. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. 4.

Рашидов Ю.К. Газдан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. 5. Ионин А.А.

Газоснабжение. Учебник для вузов.-М.: Стройиздат, 1989

6.

2. **Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар:**

Кириш

1) Технологик қисм

2) Конструктив-ҳисоблаш қисми

3) Қурилишни ташкиллаштириш ва эксплуатациялаш қисми.

4) Қурилишта меҳнат хавфсизлиги

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

**3. Диплом лойиҳасининг чизмалар рўйхати:**

- a) Кварталлар бўйича биноларни ўртача баландлиги кўрсатилган турар жой мавзесининг бош режаси М:1:2000;  
b) Бир ГРП ли паст босимли газ тармоқларнинг ҳисобий схемаси;  
c) Кўп ГРПли паст босимли газ тармоқларнинг ҳисобий схемаси;  
d) Ўрта босимли газ тармоқларнинг ҳисобий схемаси;  
e) Инженерлик тармоқлари кўрсатилган газ қувурларини ўтказиш участкасининг узинлиги бўйича қирқими. ГРП схемаси ва тузилиши

**4. Диплом лойиҳасининг бажарилиши бўйича маслаҳатчилар:**

№	Диплом лойиҳасининг бўлимлари	Бошланиш муддати	Тамомлаш муддати	Имзоси	Маслаҳатчининг фамилияси
1	Технологик қисм	31.01.2015	04.03.2015		Т.ф.н.Р.Қурбанбаев.
2	Конструктив-хисоблаш қисми	05.03.2015	08.04.2015		Б.Айтмуратов.
3	Қурилишни ташиқиллаштириш ва эксплуатациялаш қисми.	09.04.2015	12.05.2015		Г.Абдиганиева.
4	Қурилишта меҳнат хавфсизлиги	13.05.2015	13.06.2015		З.Турлыбаев.

**6.Топшириқ берилган сана:** 27- январ 2015 йил

**7.Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси:** 13-июнь 2015 йил

Диплом лойиҳасининг раҳбари: \_\_\_\_\_ т.ф.н.Р.Қурбанбаев.

(имзо)

(фамилия)

Топшириқ бажарилиш учун қабул қилинди: \_\_\_\_\_ Альберт Алланазаров.

(имзо)

(фамилия)

Кафедра мудирини: \_\_\_\_\_ т.ф.н. Д.Жумамуратов

(имзо)

## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	1
<b>I. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ</b> .....	6
1.1. Жойнинг тавсифномаси.....	6
1.2. Газнинг тавсифномаси .....	6
<b>II. КОНСТРУКТИВ-ХИСОБЛАШ ҚИСМ</b> .....	7
2.1. Аҳоли сонини аниқлаш.....	7
2.2. Газнинг йиллик сарфини ҳисоблаш.....	9
2.3. Газнинг соатлик сарфини ҳисоблаш.....	13
2.4. Паст ва ўрта босим газ тармоқларини гидравлик ҳисоби.....	18
2.5. Гидравлик ҳисоблаш учун ЭХМни қўллаш.....	19
2.6. Газ босимини созлаш пунктлари (ГРП) .....	40
2.7. ГРП ускуналарини ҳисоблаш ва танлаш .....	42
<b>III. ҚУРИЛИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯЛАШ ҚИСМ</b> .....	48
3.1. Газ қувурларини коррозия турлари.....	48
3.2. Газ қувурларини коррозиядан ҳимоя қилиш.....	49
3.3. Газ қувурларини коррозиядан сақланишни актив усули.....	51
3.4. Газ қувурларини синаш ва ишга қабул қилиш.....	55
3.5. ГРПларни синаш ва уларни ишлатиш.....	57
3.6. Газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва ускуналар.....	61
<b>IV. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚИСМ</b> ... ..	65
<b>ХУЛОСА</b> .....	70
Фойдаланилган адабиётлар руйхати .....	71

## КИРИШ

Биз бугун мустақил давлат ва жамият қуриш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврда ҳақиқаттан ўн йилларга, балки асрларга тенг келадиган йўлни-масофани босиб ўтдик.

Ўз вақтида, бизнинг тақдиримиз ҳал бўлаётган ўта оғир ва хатарли бир замонда, турли хамхаёллардан воз кечиб, бизга кўрсатилган тазийиқ ва зўравонликларга қарамасдан, бугунги кунда дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган, демократик давлат, эркин бозор иқтисодиётини шакиллантириш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш бўйича чуқур ўйналган ривожланиш йўлимизни қатъий белгилаб олганмиз.

Ислоҳотларнинг машҳур беш тамойилига асосланган бу тараққиёт модели, аввало биз танлаган тадрижий-эволюцион йўл нақадар туғри ва самарали эканини бугун ҳаётимизнинг ўзи амалда исботлаб бермоқда.

Айни шу вазият ва ҳолатларни инобатга олиб, олдимизда турган энг долзарб ва устивор вазифалар ҳақида гапирганда: аввало, биз учун 2015 йилда ва ундан кейинги даврда энг устувор вазифа-бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатини диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлашдан иборатдир.

Масалан, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиш ишларини давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилади, 2015-2016 йилларда 2 миллиард 100 миллион доллар қийматидаги 25 мингта уй-жой бунёд этиш мўлжалланмоқда. Қишлоқ инфратузилмаси янада ривожлантириш мақсадида фақат табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 2020 йилгача 530 миллион доллар, телекоммуникациялар тармоғини кенгайтириш учун эса-136 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Бугун қурилаётган замонавий корхоналар қаторида Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимиё мажмуасининг

барпо этилаётгани хорижий шериклар билан ўзаро манфатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Туғридан-туғри хорижий инвестициялар асосида амалга оширилаётган ушбу лойиҳа технологик даражаси, жалб қилинган хорижий инвестициялар хажми ва қурилиш кўлами бўйича ўта ноёб ҳисобланади ва жаҳон газ-кимё тармоғидаги энг яхши лойиҳа сифатида ҳақли равишда кўплаб мукофотларга сазовор бўлди.

Масалан, 2012-йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланиши алоҳида таъкидланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016-йилда ниҳоясига этказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради [1].

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга торширилди, “Шўртаннефтгаз” корхонасида эса проран-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди [1].

Ҳозирги вақтда аҳолини табиий газ билан узлуксиз равишда сифатли таъминлашга республикамызда жуда катта эътибор берилмоқда. Шу боис мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда мазкур соҳа еттинчи асосий устувор йўналиши деб белгиланган [2].

Маълумки, барчамизга муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада йиллар давомида жиддий муаммолар тўпланиб, ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда. Улар орасида газ тармоқларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, таъмирлаш, газ ўлчагичларни ўрнатиш орқали газ сарфини тартибга келтириш ва назорат қилиш, қиш мавсумида газ босимини пасайиб кетишини олдини олиш, аҳолини ностандарт газ ёндиргичлардан фойдаланишига йўл қўймаслик, эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш, бино ва иншоотларни иситиш,

шамоллатиш, ҳавосини кондициялаш тизимларида замонавий энергия сарфланиши жиҳатдан тежамкор жихозлар, ростлаш асбоб-ускуналари, шунингдек янги технологиялардан республика шароитида унумли ва кенг фойдаланиш каби масалалар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат [3].

Шундан келиб чиққан ҳолда, ўз-ўзидан аён-ки, мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009—2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади. Улар орасида қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда барча турдаги энергия манбалари ва коммунал хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг кўтарилишини чеклаш, яъни уларни 6—8 фоиздан оширмаслик механизми ишлаб чиқилган. Айти вақтда бу соҳаларнинг ишлаб чиқариш рентабеллигини сўзсиз таъминлаши керак. Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кўчайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

Ўзбекистонда табиий газдан фойдаланиш 1943 йилдан Ҳожиобод-Андижон газ қувури қурилиши билан бошланди. Газ саноатининг ривожланишида Ўзбекистонда очилган Сетолантепа (1953 йил), Газли (1962 йил) ва бошқа газ конлари катта роль ўйнади. Бу газ конлари асосида эллигинчи-олтмишинчи йилларда катта диаметрдаги (700 мм) Бухоро-Самарқанд-Тошкент-Фрунзе-Олмаота, Бухоро-Урал ва Ўрта Осиё-Марказ Магистрал газ қувурлари қурилиб ишга туширилди [4]. Ҳозирги кунда турли хил диаметрли Магистрал

қувурларнинг умумий узунлиги 13,0 минг км. дан ошиб кетган. Уларда 25 та компрессор станциялари ва учта ер ости омборлари (Шимолий Сох, Ҳожиобод ва Газли) ишлатилмоқда, Тошкент шаҳарининг газ таъминотини яхшилаш мақсадида Олимкент ер ости омборини қуриш режалаштирилган.

1991 йилда аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси жами 44,6% ни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга бориб у 83,4% гача етказилди, шу жумладан шаҳар аҳолиси учун—94,2% ва қишлоқ аҳолиси учун—76,4%.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришиш учун республикада жами 121,9 минг км газ тармоқлари қурилган, шундан юқори босимли—12,5 минг км, ўрта босимли—26,5 минг км ва паст босимли—82,9 минг км.

Ўзбекистон бўйича ҳозирги даврда бир йилда 60,5 млрд м<sup>3</sup> дан ортиқ табиий газ қазиб олинади, яъни 1992 йилга қараганда 1,4 марта кўп. Асосий конлар бўлиб Муборак, Шўртан ва Кўкдумалоқ ҳисобланади, булардан ташқари бошқа кичик конлар ҳам мавжуд.

## I. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМИ

### I.1. Жойнинг тавсифномаси

Газлаштириш лойиҳаси бажарилаётган тураржой мавзеси Нукус шаҳрида жойлашган. Тураржой мавзеси 4 ва 5 қаватли бинолардан ташкил топган. Мавзе рельефи текис эмас, грунтнинг коррозияга фаоллиги ўртача.

Нукус шаҳрининг жуғрофий кенглиги  $43^{\circ}$  шимолий кенглик, лойиҳалаш учун иклимий маълумотлар қуйидаги параметрлар билан ифодаланади (КМК 2.01.01-94):

- ташқи ҳавонинг иситиш мавсумидаги ўртача температураси  $t_{\text{ўр}} = -0,6^{\circ}\text{C}$
- ташқи ҳавонинг энг совуқ беш кунлигидаги ўртача температураси (иситиш тизимларини ҳисоблаш учун «Б» параметр бўйича, таъминланглик 0,82)  $t_{m\text{uc}} = -20^{\circ}\text{C}$ ;
- иситиш даврининг давомийлиги  $n_{uc} = 143$  сутка.
- ташқи ҳавонинг энг совуқ беш кунлигидаги ўртача температураси (вентиляция тизимларини ҳисоблаш учун «А» параметр бўйича)  $t_{m\text{шам}} = -9^{\circ}\text{C}$

### I.2. Газнинг тавсифномаси.

Лойиҳаланаётган микрорайон Муборак газ конидан чиқаётган газ билан таъминланаёпти.

Муборак газ номидан чиқаётган газнинг таркиби ва унинг хусусиятлари.

Метан	$\text{CH}_4$ - 94,22 %
Этан	$\text{C}_2\text{H}_6$ - 2,82 %
Пропан	$\text{C}_3\text{H}_8$ - 0,65 %
Бутан	$\text{C}_4\text{H}_{10}$ - 0,26 %
Пентан	$\text{C}_5\text{H}_{12}$ - 0%
Углерод икки Оксид	$\text{CO}_2$ - 1,48%

Азот  $\text{N}_2$

бошқалар  $\text{H}_2$

Газнинг зичлиги  $\rho = 0,72 \text{ кг/м}^3$

Газнинг иссиқлик бериш қобилияти:

Юқори иссиқлик бериш қобилияти -  $Q_{\text{ю}}^{\text{P}} = 40,820 \text{ МЖ/м}^3$

Қуйи иссиқлик бериш қобилияти -  $Q_{\text{н}}^{\text{P}} = 36,742 \text{ МЖ/м}$

## II. КОНСТРУКТИВ ҚИСМИ

### II.1. Аҳоли сонини аниқлаш.

Турар жой фондининг зичлиги ва иморатларнинг майдонига боғлиқ бўлган микрарайон аҳолиси сони кўйидаги формула орқали топилади

$$N = \frac{A}{f}; \text{ киши}$$

бу ерда:

$A$ - турар жой биноларининг умумий майдони,  $m^2$ ,  $A = S \cdot a$ ,  $m^2$ ;

$S$ - турар-жой ноҳиясининг кўчаларини ҳисобга олган ҳолдаги (магистрал кўчалардан ташқари) майдони, га;

$a$ -турар-жой фондининг зичлиги,  $m^2/\text{га}$ , ШНК 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини қурилишини режалаштириш”.

Йирик ва йирикроқ шаҳарларда қурилишнинг биринчи навбатига навзеларнинг аҳоли сони 12000?20000 киши, катта ва ўрта шаҳарларда 6000?12000 киши мўлжалланади.

Турар-жой ноҳияларининг йирик ва йирикроқ шаҳарлардаги аҳоли сони 40000?80000 киши, катта ва ўрта шаҳарларда 25000?40000 киши мўлжалланади.

#### Мавзе тураржой фондининг зичлиги

Минтақалар	Биноларнинг ўртача баландлиги (қаватлар сони)га кўра турар-жой фондининг зичлиги $a$ , $m^2/\text{га}$								
	2	3	4	5	6	7	8	9	12
марказий	3300	4100	4600	5300	5600	5900	6200	6600	6900
шимолий	3700	5000	5400	5900	6300	6700	7000	7600	-
жанубий	3400	4300	4800	5500	5800	6200	6500	6800	7100

$f$ -бир кишига мўлжалланган умумий тураржой майдонининг меъёри (нормаси)  
 $f=18 m^2/\text{киши}$ .

Ҳисоб-китоб натижаларини мавзе аҳолиси сонини аниқлаш жадвалига киритамиз.

1-жадвал

Мавзе аҳолиси сонини аниқлаш жадвали

Квартал №	Иморатларнинг ўртача баландлиги, қават	Мавзе майдони S, га	Турар жой фондининг зичлиги α м <sup>2</sup> /га	Турар жой биносининг умумий майдони А, м <sup>2</sup>	Бир кишига мўлжалланган умумий турар жой майдоннинг меъёри f, м <sup>2</sup> /киши	Яшовчилар сони N=A/f, киши
1	2	3	4	5	6	7
1	4	2,52	3200	8064	18	448
2	4	2,83	3200	9056	18	503
3	4	2,7	3200	8640	18	480
4	5	2,3	3500	8050	18	447
5	5	2,2	3500	7700	18	428
6	5	2,7	3500	9450	18	525
7	4	2,8	3200	8960	18	498
8	5	2,52	3500	8820	18	490
9	5	3,7	3500	12950	18	719
10	4	3,7	3200	11840	18	658
11	4	3,5	3200	11200	18	622
12	5	4,4	3500	15400	18	856
13	5	4,1	3500	14350	18	797
14	4	1,9	3200	6080	18	338
15	4	1,8	3200	5760	18	320
16	5	2,1	3500	7350	18	408
17	5	4,6	3500	16100	18	894
18	4	2,8	3200	8960	18	498
19	4	2,8	3200	8960	18	498
20	4	2,1	3200	6720	18	373
21	4	2	3200	6400	18	356
22	5	2	3500	7000	18	389
23	5	3,5	3500	12250	18	681
24	4	3,1	3200	9920	18	551
Жами		68,67		229980		12777

## II.2. Газнинг йиллик сарфини ҳисоблаш

1. Уй-жой шароитида кир ювишга турар-жой биноларининг йиллик газ сарфи қўйидаги ифода бўйича аниқланади

$$Q_{\text{т.ж.б}} = N \frac{z_1 \cdot n_1 + z_2 \cdot n_2 + z_3 \cdot n_3}{Q_n^P}, \text{ м}^3/\text{йил}$$

Бунда: N-газдан фойдаланувчи яшовчилар сони киши N=12777 киши (1-жадвал).

$z_1$ -марказлашган иссиқ сув таъминоти ва газ плитасига эга бўлган хонадонларда яшовчиларнинг қисми (коэффициент кўринишда): (4 илова)  $z_1 = 0,2$ ;

$z_2$ -газли сув иситгичлар ва газ плиталарига эга бўлган хонадонларда яшовчилар сони (коэффициент кўринишда) (4 илова)  $z_2 = 0,5$ ;

$z_3$ -газ суви иситгичлар ва марказлашган иссиқ сув таъминоти эга бўлмаган фақат газ плиталарига эга бўлган хонадонларида яшовчиларнинг қисми (коэффициент кўринишда) (4 илова)  $z_3 = 0,3$ ;

$n_1$ -марказлашган иссиқ сув таъминоти ва газ плиталарига эга бўлган хонадонларда йиллик иссиқлик сарфининг белгиланган меъёри МЖ/киши (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал)  $n_1 = 3940$  МЖ/киши;

$n_2$ -газли сув иситгичлар ва газ плиталарига эга бўлган хонадонларида йиллик иссиқлик сарфининг белгиланган меъёри, МЖ/ киши (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал)  $n_2 = 9430$  МЖ/киши;

$n_3$ -газли сув иситгичлари ва марказлашган иссиқ сув таъминоти бўлмаган хонадонларда, фақат газ плиталарига эга бўлган хонадонларда йиллик иссиқлик сарфининг меъёри МЖ/ киши (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал)  $n_3 = 5430$  МЖ/ киши.

$Q_n^P$ -фойдаланилаётган газнинг пастки ёниш иссиқлиги, МЖ/м<sup>3</sup>

$$Q_n^P = 36,742 \text{ МЖ/м}^3$$

$$Q_{\text{т.ж.б}} = 12777 \frac{0,2 \cdot 3940 + 0,5 \cdot 9430 + 0,3 \cdot 5430}{36,742} = 2483624,5 \text{ м}^3/\text{йил.}$$

2. Турар жой биноларининг жамланган сарфини 5 % катталигида олинадиган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган савдо ва аҳолига маиший

хизмат кўрсатиш корхоналарининг эҳтиёжи учун газнинг йиллик сарфи қуйидагича топилади

$$Q_{M.X} = 0,05 \cdot Q_{T.Ж.б.} \quad \text{м}^3 / \text{йил}.$$

$$Q_{M.X} = 0,05 \cdot 2483634,5 = 124181,2 \text{ м}^3 / \text{йил}$$

3. Комунал маиший эҳтиёжлари учун газнинг йиллик сарфи, уларнинг сони ва қувватига ҳамда иссиқлик сарф қилиш белгиланган меъёрига боғлиқ.

3.1. Хаммомларнинг йиллик газ сарфи.

$$Q_{\text{хаммом}} = K_1 \cdot N \cdot 52 \frac{n_4}{Q^p_n}$$

бунда:  $K_1$ -хаммом хизматидан фойдаланувчилар (марказий иссиқ сув билан таъминланмаган ва иситгичларига эга бўлмаган яшовчилар) сонини ҳисобга олувчи коэффицент,  $K=0,3$ ;

52-хаммомга бир кишининг бир йилда ўртача қатнаш сони;

$n_4$  - хаммомда бир кишининг бир марта ювиниши учун сарф бўладиган иссиқлик меъёри (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал)  $n_4=40$  МЖ/киши.

Сонларни ўрнига қўйиб, топамиз:

$$Q_{\text{хаммом}} = 0,3 \cdot 12777 \cdot 52 \frac{40}{36,742} = 216995,5 \text{ м}^3 / \text{йил}$$

3.2. Кир ювиш корхонасининг (хизматидан) йиллик газ сарфи

$$Q_{\text{к.ю.к}} = K_2 \cdot N \cdot \epsilon \frac{n_5}{1000 \cdot Q^p_n}, \text{ м}^3 / \text{йил}$$

бунда:  $k_2$ -кир ювиш корхонаси хизматидан фойдаланувчилар сонини ҳисобга олувчи коэффицент,  $k_2=0,5$ ;

$\epsilon$ -бир кишидан бир йилдан тушадиган куриқ кир кийим-кечак ювиш учун сарфланган меъёри,  $\epsilon=100$  кг/киши йил;

$n_5$ -кир ювиш корхоналарида 1 тонна куриқ кийим ювиш учун сарф бўладиган иссиқликнинг белгиланган меъёри (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал)

$n_3= 8800$  МЖ/ т

$$Q_{\text{к.ю.к}} = 0,5 \cdot 12777 \cdot 100 \frac{8800}{1000 \cdot 36,742} = 153009,6 \text{ м}^3 / \text{йил}$$

#### 4. Касалхоналарнинг йиллик газ сарфи.

$$Q_{\text{кас}} = \frac{N}{1000} \cdot 12 \frac{n_6 + n_7}{Q_n^p}, \text{ м}^3/\text{йил}$$

бунда:  $n_6, n_7$ - бир касалга бир йилда иссиқликнинг сарфланиши меъёрлари (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал):

- овқат тайёрлаш учун  $n_6 = 3200$  МЖ/жойга ;

- иссиқ сув тайёрлаш учун  $n_7 = 9200$  МЖ/жойга ;

Лойихада 1000 киши яшовчи касалхоналарда 12 та ўрин қабул қилинган. Овқат ва хўжалик-маиший, ҳамда даволаш эҳтиёжларига иссиқ сув тайёрлаш /кийим-кечакни ювишсиз/ учун газнинг йиллик сарфи.

$$Q_{\text{кас}} = \frac{12777}{1000} \cdot 12 \cdot \frac{3200 + 9200}{36,742} = 51745 \text{ м}^3/\text{йил}$$

#### 5. Ресторан, ошхона ва кафеларга газнинг йиллик сарфи.

Аҳолининг ресторан ва ошхоналар хизматидан фойдаланадиган қисмининг умумий сонини 25% га тенг деб қабул қилинади.

$$Q_{\text{ош}} = 0,25 \cdot N \cdot \frac{n}{Q_n^p} \text{ м}^3/\text{йил}$$

бунда  $n = 365(n_8 + n_9) = 365(4,2 + 2,1) = 2299,5$  МЖ/тушлик;

$n_8 = 4,2$  ва  $n_9 = 2,1$  - тушлик ва нонушта (кечлик)ни тайёрлашга кетадиган иссиқлик сарфининг белгиланган маъёри, МЖ/тушлик (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал).

$$Q_{\text{ош}} = 0,25 \cdot 12777 \cdot \frac{2299,5}{36,742} = 199912,3 \text{ м}^3/\text{йил}$$

#### 6. Нон заводига газнинг сарфи.

Бир киши учун бир кунлик нон маҳсалотини 0,6 кг деб қабул қиламиз. Шундан:

0,3 кг - думалоқ нон

0,2 кг - булка ва бошқалар

0,1 кг - қандолат маҳсулотлари

Зарурий нон маъсулотларининг йиллик ҳажми:

думалоқ нон  $A = \frac{N \cdot 0,3 \cdot 365}{1000} = \frac{12777 \cdot 0,3 \cdot 365}{1000} = 1399, \text{ тн};$

булка ва батонлар  $B = \frac{N \cdot 0,2 \cdot 365}{1000} = \frac{12777 \cdot 0,2 \cdot 365}{1000} = 933, \text{ тн};$

қандолат маҳсулотлари  $B = \frac{N \cdot 0,1 \cdot 365}{1000} = \frac{12777 \cdot 0,1 \cdot 365}{1000} = 466, \text{ тн}.$

Нон заводга газнинг йиллик сарфи:

$$Q_{\text{н.з.}} = \frac{A \cdot n_{10} + B \cdot n_{11} + B \cdot n_{12}}{Q_{\text{н}}^{\text{р}}} = \frac{1399 \cdot 2500 + 933 \cdot 5400 + 466 \cdot 7750}{36,742} = 330608, \text{ м}^3 / \text{йил}$$

бунда  $n_{10}=2500$ ,  $n_{11}=5400$  ва  $n_{12} = 7750$  - думалоқ нон, булка ва батонлар, қандолат маҳсулотларининг 1 тоннаси ёпишга, пиширишга сарф бўладиган иссиқликнинг белгиланган меъёрлари, МЖ/т (КМК 2.04.08-96, 2-жадвал.).

Мавзе (микрарайон) йиллик газ сарфларни 2 – жадвалга киритамиз.

2– жадвал

№ т/н	Истеъмолчилар	Ўлчам бирлиги	Миқдор	КМК 2.04.08-96, 2-жадвал. бўйича ис- сиклик сарфи нормаси	Газнинг йиллик сарфи $\text{м}^3 / \text{йил}$
1	2	3	4	5	6
1	Турар-жой бинолари, $Q_{\text{т.ж.б}}$	киши	12777	$n_1= 3940$ $n_2=9430$ $n_3= 5430$ МЖ/ киши	2483624,5
2	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, $Q_{\text{м.х}}$	улуш	0,05	$Q_{\text{м.х}} = 0,05 \cdot Q_{\text{т.ж.б}}$ .	124181,2
3	Ҳаммомлар, $Q_{\text{хаммом}}$	киши	12777	$n_4=40$ МЖ/киши	219995,5
4	Кир ювиш корхоналари, $Q_{\text{к.ю.к}}$	тн		$n_3= 8800$ МЖ/т	153009,6
5	Касалхоналар, $Q_{\text{кас}}$	жой		$n_6= 3200$ МЖ/ жойга; $n_7=9200$ МЖ/жойга	51745
6	Ресторан ва ошхоналар, $Q_{\text{ош}}$	киши		$n_8 = 4,2$ ; $n_9 = 2,1$ МЖ/тушлик	199912,3
7	Нон заводи, $Q_{\text{н.з.}}$	тн		$n_{10}=2500$ ; $n_{11}=5400$ ; $n_{12} =$	330608

				7750 МЖ/т	
8	Марказий истиш*				4849416
9	Шамоллатиш*				546145,6
10	Марказий иссиқ сув таъминоти*				780159,4

\* Газнинг соатлик сарфини ҳисоблашдан сўнг аниқланади (2.5 бандни қаранг).

Умумий сарф:  $9738797,1 \text{ м}^3 / \text{йил}$ .

### II.3. Газнинг соатлик сарфини ҳисоблаш.

1. Иситишга газнинг максимал соатлик сарфи қуйидаги ифода билан аниқланади

$$Q_{uc}^{max} = \frac{3,6 \cdot q_{uc} \cdot A(1+K)}{1000 \cdot Q_n^P \cdot \eta}, \text{ м}^3/\text{соат}$$

бунда:  $q_{uc}$ - турар-жой биноларининг  $1 \text{ м}^2$  умумий майдонининг иситишга сарфланадиган курсаткичи, Вт (КМК 2.04.07-97),  $q_{uc}=82 \text{ Вт}/\text{м}^2$ .

Турар-жой биноларининг  $1 \text{ м}^2$  умумий майдонини иситишга сарфланадиган максимал иссиқлик оқимининг йириклаштирилган кўрсаткичи  $q_{uc}$ , Вт, /(КМК 2.04.07-97).

Турар-жой иморатларининг кавати	Бинонинг тавсифи	$t_{н.о} \text{ } ^\circ\text{C}$						
		-5	-10	-15	-20	-25	-30	-35
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1985 йилгача қрилган иморатлар учун								
1-2	Қувват тежам-корлик тадбирларини ҳисобга олмаган	148	154	160	209	213	230	234
3-4		95	102	109	117	126	134	144
5 ва ундан юқориси		65	70	77	79	89	88	98
1-2	Қувват тежам-корлик тадбирларини кўллашни ҳисобга олган ҳолда	147	153	160	194	201	218	222
3-4		90	97	103	111	119	128	137
5 ва ундан юқориси		65	69	73	75	82	88	92
1985 йилдан кейин қурилган иморатлар								

1-2	Янги, андаза- си бир хил лойиха	145	152	159	166	173	177	180
3-4		74	80	86	91	97	101	103
5 ва ундан юқориси бўйича		65	67	70	73	81	87	89

A- Турар – жой биноларнинг умумий майдони, м<sup>2</sup>

κ<sub>1</sub>- жамоат биноларнинг иситишга сарфланадиган иссиқлик окимини ҳисобга олувчи коэффициент; аниқ маълумот берилмаган тақдирда 0,25 га тенг қабул қилинади.

η- иситиш қурилмаларнинг фойдали иш коэффициент; қозонлар учун η=0,8.

Q<sub>n</sub><sup>p</sup> – газнинг пастки ёниш иссиқлиги: (Муборак ГПЗ Q<sub>n</sub><sup>p</sup>= 36,742 МЖ/м<sup>3</sup>)

$$Q_{uc}^{max} = \frac{3,6 \cdot 82 \cdot 229980(1+0,25)}{1000 \cdot 36,742 \cdot 0,8} = 2887 \text{ м}^3/\text{соат}$$

2. Жамоат биноларининг шамоллатишга газнинг максимал соатлик сарфи .

$$Q_{шам}^{max} = \frac{3,6 \cdot \kappa_1 \cdot \kappa_2 \cdot q_{uc} A}{1000 \cdot Q_n^p \cdot \eta}, \text{ м}^3/\text{соат}$$

бунда: бунда К<sub>2</sub> = 0,4- 1985 йилгача қурилган жамоат биноларининг вентиляциясига иссиқлик сарфини ҳисобга олувчи коэффициент; К<sub>2</sub> = 0,6 - 1985 йилдан кейин қурилганлари учун.

Мавзе бинолари асосан 1985 йилдан кейин қўрилган бўлиб иссиқлик сарфининг ҳисобга олувчи коэффициентни κ<sub>2</sub>= 0,6 тенг деб қабул қиламиз, шунда

$$Q_{шам}^{max} = \frac{3,6 \cdot 0,25 \cdot 0,6 \cdot 82 \cdot 229980}{1000 \cdot 36,742 \cdot 0,8} = 346,5 \text{ м}^3/\text{соат}$$

3. Марказий иссиқ сув таъминотига газнинг ўртача соатлик сарфи.

$$Q_{ис.с}^{ур} = \frac{3,6 \cdot q_{ис.с} \cdot m}{1000 \cdot Q_n^p \cdot \eta} : \text{ м}^3/\text{соат}$$

бунда: m- марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлган яшовчилар сони

$$m = z_1 N = 0,2 \cdot 12777 = 2555 \text{ киши}$$

$z_1$ - мавзедаги марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлган яшовчилар сонини ҳисобга олувчи коэффициент,  $z_1=0,2$ ;

$q_{uc.c}$  - 1 кишига бир кеча-кундузда сув сарф қилиш ўрта меъёрига боғлиқ бўлган бир киши учун марказий иссиқ сув таъминотига ўртача соатлик иссиқлик сарфининг йириклаштирилган кўрсаткичи, Вт.

Ҳисобот ишларида жамоат биноларида иссиқ сувни истеъмол қилишни ҳисобга олингандаги иссиқ сув ўртача бир кеча-кундузлик сарфини 1 кишига 105 литр деб қабул қилиш мумкин. Бунда  $q_{uc.c}=376$  Вт бўлади,  $Q_H^p$ -МЖ/м<sup>3</sup>,  $\eta = 0,8$  - қозон қурилмалари ёки сув илиткичларнинг ф.и.к.

$$Q^{yp}_{uc.c} = \frac{3,6 \cdot 376 \cdot 2555}{1000 \cdot 36,742 \cdot 0,8} = 118 \text{ м}^3/\text{соат}$$

4. Иситиш учун газнинг йиллик сарфи.

$$Q^{йил}_{uc} = 24 \cdot Q^{yp}_{uc} \cdot n_{uc}; \text{ м}^3/\text{йил}$$

бунда:

$$Q^{yp}_{uc} = Q_{uc}^{\max} \frac{t_{уч} - t_{yp.уч}}{t_{уч} - t_{m.уч}} \text{ м}^3/\text{соат}$$

$Q_{uc}^{yp}$  – иситиш учун газнинг ўртача соатлик сарфи, м<sup>3</sup>/соат

$Q_{uc}^{\max}$  – иситиш учун газнинг максимал соатлик сарфи (1 банд буйича  $Q_{uc}^{\max} = 2887$  м<sup>3</sup>/соат);

$t_{уч}$ - хона ички ҳавосининг ҳисобий ҳарорати, °С,  $t_{уч}=18^{\circ}\text{C}$ ;

$t_{yp.уч}$ - ташки ҳавонинг иситиш давридаги ўртача ҳарорати  $t_{yp.уч}= -0,6^{\circ}\text{C}$ ;

$t_{m.уч}$ - ташки ҳавонинг энг совуқ беш кунлик ўртача ҳарорати (иситиш системаси ҳисоби учун «Б» параметр буйича)  $t_{m.уч}= -20^{\circ}\text{C}$ ;

$n_{uc}$ - иситиш давридаги давомийлиги,  $n_{uc}=143$  сутка;

$$Q^{yp}_{uc} = 2887 \frac{18 - (-0,6)}{18 - (-20)} = 1413 \text{ м}^3/\text{соат}$$

$$Q^{йил}_{uc} = 24 \cdot 1413 \cdot 143 = 4849416 \text{ м}^3/\text{йил}$$

5. Шамоллатиш учун газнинг йиллик сарфи

$$Q^{йил}_{шам} = Z \cdot Q^{yp}_{шам} \cdot n_{uc}; \text{ м}^3/\text{соат.}$$

бунда:  $Z=16$  соат, шамоллатиш системасининг бир кеча-кундузда ишлаш соати (агар берилмаган бўлса)

$Q_{шам}^{yp}$ - шамоллатиш системасида ҳавони иситиш учун газнинг ўртача соатлик сарфи.

$$Q_{шам}^{yp} = Q_{шам}^{max} \frac{t_{ич} - t_{yp.ис}}{t_{ич} - t_{миша}} \text{ м}^3/\text{соат}.$$

$Q_{шам}^{max}$ - шамоллатиш системасида ҳавони иситиш учун газнинг максимал соат мен сарфи (2 банд)  $Q_{шам}^{max} = 346,5 \text{ м}^3/\text{соат}.$

$t_{м шам}$  – ташки ҳавонинг энг совуқ ойи учун ўртача ҳарорат (учун ҳаво алмаштириш ҳисоби учун «А» параметр буйича)  $t_{м шам} = -9^{\circ}\text{C};$

$$Q_{шам}^{yp} = 346,5 \frac{18 - (-0,6)}{18 - (-9)} = 238,7 \text{ м}^3/\text{соат}.$$

$$Q_{шам}^{йик} = 16 \cdot 238,7 \cdot 143 = 546145,6 \text{ м}^3/\text{йил}$$

6. Марказий иссиқ сув таъминоти учун газнинг йиллик сарфи.

$$Q_{ис}^{йил} = 24 \cdot Q_{ис.с}^{yp} \cdot n_{ис} \cdot \beta + \beta \cdot 24 \cdot Q_{ис.с}^{yp} (350 - n_{ис}) \frac{55 - t_{с.ёз}}{55 - t_{с.киш}}; \text{ м}^3/\text{йил}$$

бунда:  $\beta$ - ёз даврида иссиқ сувнинг ўртача соатлик сарфининг пасайишини ҳисобга олувчи коэффициент  $\beta=0,8;$

$t_{с.ёз} = +15^{\circ}\text{C}$ ,  $t_{с.киш} = +5^{\circ}\text{C}$  совуқ сувнинг ёз ва киш давридаги ҳароратлари.

$$Q_{ис}^{йил} = 24 \cdot 118 \cdot 143 \cdot 0,8 + 0,8 \cdot 24 \cdot 118 \cdot (350 - 143) \frac{55 - 15}{55 - 5} = 780159,4 \text{ м}^3/\text{йил}$$

7. Газнинг йиллик сарфи шахар ёкилги системасининг белгилайди.

Газ тармоқлари ва иншоотларни бу сарфдан фойдаланмайди.

Ҳисоб учун асос қилиб газ истеъмол объектларининг иш жараёнига боғлиқ бўлган соатлик сарф олинади. Соатлик сарфи истеъмолчиларнинг йиллик сарфларини максимал соат коэффициенти ҳисобга олингандаги умумий деб қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$Q_{х.с} = K_m \cdot Q_{т.ж.б.} \quad \text{м}^3 / \text{соат}$$

$K_m$  - максимал соат коэффициенти.

Маиший истеъмолчилар учун максимал соат коэффиценти газдан фойдаланувчи яшовчилар сонига боғлиқ бўлади (КМК 2.04.08-96, 4-жадвал.)

Газ билан таъминланган аҳоли сони, минг киши	1	2	3	5	10	20	30	40	50	100
$K_m$	$\frac{1}{1800}$	$\frac{1}{2000}$	$\frac{1}{2050}$	$\frac{1}{2100}$	$\frac{1}{2200}$	$\frac{1}{2300}$	$\frac{1}{2400}$	$\frac{1}{2500}$	$\frac{1}{2600}$	$\frac{1}{2800}$

8. Коммунал-маиший ва бошқа корхоналарнинг соат сарфлари шу корхоналарнинг максимал соат коэффицентларини ҳисобга олиб (КМК 2.04.08-96, 5-жадвал. бўйича ) га мувофиқ аниқланади.

$$Q_{x.c.} = K_m \cdot Q_{K.M.} \quad m^3 / соат$$

Коммунал-маиший ва бошқа корхоналарнинг соат сарфлари шу корхоналарнинг максимал соат коэффицентлари (КМК 2.04.08-96, 5-жадвал.)

Корхоналар	Максимал соат коэффицентлари, $K_m$
Ҳаммомлар	1/2700
Кир ювиш корхоналари	1/2900
Жамоат ошхоналари	1/2000
Нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар	1/6000

Газнинг ҳисобий соат сарфларни 3-жадвалга ёзамиз.

3– жадвал

№	Истеъмолчилар	$Q_{йил}$ м <sup>3</sup> /йил	КМК 2.04.08-96	$Q_{x.c.}$ м <sup>3</sup> /соат	Эслатма
1	Турар жой бинолари	2483624,5	1/2227	1115	п/б
2	Маиший хизмат курсатиш корхонаси	124181,2	1/2227	56	п/б
3	Ҳаммомлар	219995,5	1/2700	82	ў/б
4	Кир ювиш корхонаси	153009,6	1/2900	53	ў/б
5	Касалхоналар	51745	1/2700	19	п/б

6	Ресторан ва ошхоналар	199912,3	1/2000	100	ў/б
7	Нон заводи	330608	1/6000	55	ў/б
8	Марказлаштирилган иситиш	4849416		2887	ў/б
9	Шамоллатиш	546145,6		346,6	ў/б
10	Марказий иссиқ сув таъминоти	780159,4		118	у/б
	Жами	9738797,1		4831,6	

Микрорайоннинг ҳисобий умумий газ сарфи: 4831,6 м<sup>3</sup>/соат

Шундан:

- паст босим газ тармоқларида  $Q_{n.б} = Q_{эпн} = 1190$  м<sup>3</sup>/соат

- ўрта босим газ тармоқларида 3641,6 м<sup>3</sup>/соат

#### **II.4. Паст ва ўрта босим газ тармоқларини гидравлик ҳисоби.**

Газ тармоқларини гидравлик ҳисоб қилишнинг вазифаси таъминлаш манбаидан энг узокда жойлашган истеъмолчиларга рухсат этилган босим йукотишдан ва ҳисобий соатлик сарфлари микдоридан тоқозо этган газ қувурларининг диаметрларини аниқлашдан иборатдир.

Пастки босимни гидравлик ҳисоби қуйидаги тартибда бажарилади: микрорайоннинг бош режасидан ГРП ни жойлаштириш урни аниқланади. Хар бир ГРП орқали ва энг қулай харакат радиусига қараб ГРПнинг урн ива сони қабул қилинади. Жавонли ГРПларнинг урни энг қулай иктисодли таъминлаш радиуси 50±300 м га тенг, стационар ГРП ларнинг 400±800 м. Газ қувирларининг кўча йуллари буйлаб ёткизишни белгиланади.

Ҳисобий соатлик сарфлари 50 м<sup>3</sup>/соатдан ортиқ бўлган истеъмолчиларни ўрта босим тармоқларига уланади. Тармоқларнинг схемаси буйлаб газ қувурларини ҳисоблаш участкаларига булиб чиқилади ва уларнинг хақиқий узунликлари метр ўлчамда курсатилади.

Барча ҳисоблаш участкалари ва халқасимон газ қувурлари тартиб буйича рақамланади.

Сунгра паст босим тармоқлари участкаларининг ҳисобий узунликлари ва таъминланиш шартлари аниқланади. Агар истеъмолчилар газ қувурларининг бир томони буйлаб жойлашган бўлса, у холда бундай участкаларни бир томонлама таъминловчи дейилади. Унда участкаларнинг ҳисобий узунлиги хақиқий узунликнинг яримига тенг бўлади, яъни  $l_x = l_{x.k}/2$ . Агар истеъмолчилар газ қувурининг икки томони буйлаб жойларга булинса, у холда бундай участкани икки томонлама таъминловчи дейилади. Бундай участканинг ҳисобий узунлиги хақиқий узунлигига тенг бўлади, яъни  $l_x = l_{x.k}$ .

Ўрта босим газ қувурларига ГРП, хаммом, кир ювиш комбинати, козонхона, нон заводи ва бошка йирик бир жойда тупланган истеъмолчилар уланади.

Ўрта босим газ қувурининг трассаси мумкин қадар йирик бир жойда тупланган истеъмолчилар яқинида утказилиши керак ва улар боши берк ёки халкасимон шаклда ётқизилади.

Участкалар номерланади, трасса охиридан бошлаб участкаларнинг ҳисобий сарфлари аниқланади ва газ оқимиға қарши истеъмолчиларнинг ҳисобий сарфлари жамлаб чиқилади. Участкаларнинг хақиқий узунликлари (км) ифодасида аниқланиб ёзиб чиқилади. Энг охиридаги истеъмолчилар олдида.  $P_{ax} = 2,2$  ата (0,22 МПа)га тенг бўлади.

## II.5. Гидравлик ҳисоблаш учун ЭХМни қўллаш.

Хозирги вақтда илмий-техник ҳисобларда иқтисодий ва таълим ҳамда бошка соҳаларда ҳисоблаш системаларда (ЭХМлар) кенг қулланилмоқда. ЭХМларни халқ хужалигида қўллаш катта самара беради. ЭХМларни инсон фаолятининг турли соҳаларда қулланиши учун узгача талаб ва эҳтиёж тугдиради, шу сабабли ЭХМни техник олий укув юртларида ҳам кенг қулланилмоқда

ЭХМнинг роли янада юқорирок булиши АСУ ва САПРнинг янада чуқурук узлаштирилишиға боғлиқ. Шунинг учун газ таъминотда курси буйича диплом лойихаларига САПР элементлари киритилади ва асосан газ тармоқларининг ЭХМда гидравлик ҳисоби «HYDRO» программаси, ПЭХМ қўллаш билан амалға оширилади. Газ таъминоти системаларининг паст, ўрта ва юқори босим

тармоқлари гидравлик ҳисоби буйича тушинтириш хатто куйида келтирилган булиб бу талабларга ёрдам беради. Газ қувурлари тармоқларнинг гидравлик ҳисоб ЭХМда автоматик равишда бажариш учун программа мослаштирилган, асосан газ сарфларининг ҳисоблаш ва тармоқ участкаларида мос диаметрларини танлаш, тармоқ нуқталарида газ босимини аниқлаш (ГРП) ГРС нагрукасини аниқлаш, тармоқнинг тўла гидравлик боғлиқлигини диаметр буйича қувурлар спецификациясини тузиш.

Лойихалаштирилган газ таъминоти тармоқларни ҳисоблаш учун қуйидагилар бажарилади:

- I. ГРС ва ГРПларни урни тармоқ нагрукалари ва узунликлари маълум бўлганда танланган схема буйича газ оқимларини оптимал таксимлаш.
- II. Газ босими тартиби ГРС ва ГРПлар урни участкалар узунликлари маълум бўлганда лозим бўлганда босимни тушишини тўла ишлатилиши ва минимал капитал маблағ сарфини тугри стандарт қувурлар диаметрлари ўлчамларини танлаш.
- III. Қувурлар диаметр ива узунлиги хамда улардаги газни сарфини маълум бўлганда тугунларда газни сарфини маълум бўлганда тугунларда газ босимини ҳисоблаш ва уларни босим буйича боғлаш.

Талабнинг ЭХМ билан шу тартиб 2 боскичга булинади.

Биринчи боскич – берилган маълумотларни йигиш ва тайёрлаш.

Бу ерда қуйидаги маълумотлар бажарилади:

- Районнинг (аҳолии сони, яшаш майдони ва бошқалар) бош режасидан зарур кучирмалар келтирилади;
- Корхонадаги козонхона нагрукаси аниқланади
- Газ тармоқлардаги йигилган маълумотларни кайтадан куриб чиқилади;
- ЭХМда гидравлик ҳисоблаш учун маълумотларни тайёрлаш;

Иккинчи боскич- ЭХМга берилган маълумотларни киритиш ва бевосита ҳисоблашни бажариш.

Норматив хужжатлар талабларига асосланган холда ЭХМ да газ тармоқлари гидравлик ҳисоби учун маълумотларни тайёрлаш инструкцияси берилган маълумотларга асосланган холда олиб бланкага киритилади.

Газ тармоқлари хақида қуйидаги маълумотлар булиши керак:

- А) газнинг характеристикаси ва тармоқ иш тартиби;
- Б) тармоқ участкалари жадвали;
- В) истеъмолчилар жадвали;
- Г) газ манбаалари жадвали;
- Д) район буйича нагрузка руйхати;
- Е) танланаган диаметр руйхати;

Берилган маълумотларни ЭХМ га киритиш параметрлар билан билан бажарилади.

Берилган маълумотларни тузатиш талаба томонидан икки холда бажаради:

1. Берилган маълумотлар хато бўлганда, талаба хатони топиб узгартириш киритади.
2. Ҳисобнинг янги варианты бажарилганда.


Ҳисоб натижаларини куриб чикиб ва участкаларда газ сарфланишини таъминланиши ва босимни анализ килиб, талаба бир карорга келади: қайта вариант керакми ёки йўқми.

Инструкция буйича маълумотларни тайёрлаш.

## Киска ҳисобнинг алгаритми



## Операцияларни бажариш тартиби ва таркиби



Дастлаб 1-вариант тулдирилади;

- Участкалар сони (2560 дан куп эмас);

- Йуловчи сарф ( $\text{м}^3/\text{соат}$ ), ёки келтирилган узунликни, ёки коэффициентлар купайтмаси ёки ўрта (юқори) босим учун участка охиридаги сарф,  $\text{м}^3/\text{соат}$ .

- Участка узунлиги, м; диаметр ноиери номери; участка белгиси;

0- Янги қувур ўлчамини танлаш;

1- Янги курсатилган қувур ўлчамини танлаш;

2- Мавжул курсатилган қувур ўлчамини танлаб олиш;

3- Мавжуд курсатилган қувур ўлчамини қўллаш;

4- Мавжуд курсатилган қувур ўлчамини танлаш;

Сунгра тармоқлар манбаи жадвали тулдирилади. У факат паст босим учун иштирок этади. Хар бир истеъмолчи учун қуйидагилар курсатилади.

-Нукта номири; - сарфи,  $\text{м}^3/\text{соат}$ ;

Кейин районлар тартиб номери буйича, агар келтирилган узунлик ёки коэффициентлар купайтмаси берилган бўлса, районнинг текис нагрукаси курсаткичи ёзилади.

Қувур ўлчамлари жадвали келтирилади

- Қувур ташки диаметри, мм;

- Қувур деворининг калинлиги, мм;

Қувур диаметрининг ўлчамлари ушиб бориш тартибида қуйидагилардан бири;

- Агар йуловчи сарфлар берилган бўлса;
- Агар келтирилган узунликлар берилган бўлса;
- Агар каватлвр ва иморатлар коэффициентлари купайтмаси берилган бўлса;
- газнинг солиштирма огирлиги  $\text{кг}/\text{м}^3$
### **III.3. Газ қувурларини коррозиядан сақланишни актив усули.**


Газ қувурларининг коррозиядан сақланишнинг актив усуллариға қуйидаги электр химоя усуллари киради:

*электродренаж ;*

*катод химояси ;*

*протектор химояси.*

Электродренаж химоясида газ қувурларига келиб тушган дайди тоқларни анод зонасидан изоляция қилинган дренаж кабель ёрдамида қайтариб дайди тоқлар манбаи бўлган рельсга ёки тортиш подстанциясининг манфий шинасига етқазиб беришга айтилади. Тоқларнинг кабель ёрдамида чиқиш натижасида электр коррозия тухтайди. Электр дренажлар уч хил бўлади.



**Электр дренажлар схемаси:**

*а - оддий дренаж; б-поляризация қилинган дренаж; в-кучайтирилган поляризация қилинган дренаж. 1-газ қувури; 2-суриб олувчи фидер; 3-кичик ток кучига мўлжалланган саклагич; 4, 5-контактор урами; 6-рельс.*

**Оддий дренаж.** Бунда ярим ўтказгич қўлланилмайди (расм, “а”). Шунинг учун дренаж кабелни электр подстанциясининг манфий шинасига уланади. Уни рельсга улаш мумкин эмас, чунки рельс узилган пайтда ток дренаж қурилмаси орқали газ қувурига ўтиб кетади. Бу эса жуда хавфли.


**Поляризация қилинган дренажда** (расм, “б”) суриб олувчи кабелни рельсга ҳам улаш мумкин, подстанциянинг манфий шинасига ҳам улаш мумкин.

Чунки бунда ярим ўтказгич қўлланилиб, у токни фақат қувурдан ташқарига ўтказди.

**Кучайтирилган дренаж.** Бунда махсус қурилма ишлатилиб, у электр токи ёрдамида газ қувирида доимий манфий потенциални таъминлаб беради. Битта электр дренаж қурилмаси 5 ÷ 6 км масофадаги газ қувурини дайди тоқлар коррозиясидан сақлаши мумкин.

### Катод химояси.

Катод химояси ер ости газ қувурларини ерда бўладиган электрохимёвий коррозиядан сақлайди.



*Катод химояси схемаси*

*. 1-газ қувири; 2-катод химояси қурилмаси; 3-анод; 4-кабель; 5-дайди тоқлар оқими; 6-суриб олувчи кабель.*


Бунинг учун ташқи ўзгармас ток манбаи ёрдамида газ қувирида манфий потенциал ҳосил қилинади, яъни газ қувири манфий белгига эга бўлган катод зонасига айланади. Анод сифатида эса ерга қўмилган эски қора металл бўлақларидан фойдаланилади. (эски пўлат қувурлар ёки рельслар).

Катод қурилмасида 1,2 ÷ 2 в кучланишли ўзгармас ток манбаи ишлатилади. Аноддан ерга ток ўтгани сабабли у ўзи билан металл ионларини

олиб чиқади ва секин аста емирилиб боради. Шунинг учун анодни маълум вақт утгандан сўнг янгилаш керак. қувур изоляциясининг аҳволига қараб битта катод қурилмаси 1 ÷ 20 км масофадаги ер ости газ қувурини коррозиядан сақлаши мумкин.

### Протектор химояси

Протектор химоясида анод сифатида рангли металлдан тайёрланган электродлар қўлланилади. Улар темирга нисбатан тескари потенциалга эга бўлиб, ердаги туз ва ишкорлар билан реакцияга киришиб, кичик кучланишдаги ток ҳосил қилади. Бу ток анодлар ер орқали катод вазифасини бажарувчи қувурга олиб бориб тушади ва ундан кабель ёрдамида назорат пунктидаги туташтирувчи симдан ўтиб, қайтиб анодга тушади. Шундай қилиб, туташган электр занжири ҳосил бўлади ва қувурини коррозиядан бир мунча сақлайди. Бундай химоя асосан шаҳардан ташқарида қўлланиши мумкин. Коррозиядан сақлаш зонаси катта эмас ( 70 м гача).



*Протектор химояси схемаси*

*. 1-анод; 2-кабель; 3-газ қувури; 4-назорат пункти.*

#### **III.4. Газ қувурларини синаш ва ишга қабул қилиш.**

Қурилиш жараёнида ер ости газ қувурлари айрим пўлат қувурларни пайванд қилиш билан бир-бировига уланиб йигилади. Пўлат қувурлар қурилиш жойига келтиришдан олдин изоляция базаларида коррозияга қарши изоляция билан копланеди. Газ қувурларини қуришида алохида қувурларни хандакдан ташқарида бир-бировига пайванд қилиб, кейин хандакка тушириш мумкин. Уланган газ қувурларининг пайвандланган жойлари вақтинча изоляция қилинмаган бўлади. қувур хандакка туширмасдан олдин хандак тагининг текислиги, унинг чуқурлиги ва нишаблиги лойиҳа бўйича текширилади. Агарда лойиҳага нисбатан нотугри жойлар бўлса туғриланади.

Газ қувурларини синаш икки хил бўлади: биринчи синов-мустаҳкамликка синаш бўлиб, уланган қувурларнинг иккита охириги боши пайвандлаб беркитилади ва қувурларнинг устига 25 см да тупроқ ташалади. Лекин пайванд қилинган жойлар изоляция қилинмаган ва очиқ холда қолиши керак. Сўнг, газ қувурига компрессор ёрдамида сиқилган ҳаво хайдалади. Берилаётган ҳавонинг босими газ қувури қандай босимга мўлжалланганлигига боғлиқ.

Қувурга ҳаво берилиб, шундай босимда қувур уч соат ушлаб турилади. Шундан сўнг, ҳавонинг босими газнинг ишчи босимига пасайтирилади ва пайванд жойлари, задвижка ва бошқа ускуналар, уланган жойлари совун кўпиги суртиб ҳаво чиқаётган ёки чиқмаётганлиги аниқланади. Ҳаво чиқаётган жойлар ҳаво босими пасайтирилгандан сўнг тузатилади. Бу ишлар тузатилгандан сўнг, қувурларнинг уланган жойлари изоляция қилинади ва хандак тўлиқ кумилиб, синовнинг иккинчи турига-зичликка синашга утилади. Зичликка синов қилишдан олдин газ қувурларининг уланган пайванд жойлари коррозияга қарши изоляция билан копланиб, қувур тула кумилган бўлиши керак. Шундан сўнг, газ қувурига сиқилган ҳаво берилиб, манометр уланади ва маълум вақтдан сўнг манометрға қараб қанчага босим пасайганлиги аниқланади. Синовлар даврида сиқилган ҳавонинг босими газ қувурининг турига боғлиқ бўлиб, қуйидагича бўлиши керак:

Газ қувурлари тури	синов босими МПа	
	мустахкамликка	зичликка
Паст босим (5000 Па гача):		
а) тақсимлаш газ қузури	0,6	0,1
б) ховли газ қувурлари ва биноларга кириш газ қувурлари диаметри 100 мм гача бўлса	0,3	0,1
Ўрта босим (5000 Па дан 0,3 МПа гача)	0,6	0,3
	0,75	0,6
Юқори босим (0,3 ÷ 0,6 МПа)	1,5	1,2
Юқори босим (0,6 ÷ 1,2 МПа)		

Зичликка синаш қувурга ҳаво камалгандан сўнг 24 соатдан кейин бошланади. Чунки бу давр ичида қувурга камалган синовчи ҳавонинг харорати қувур кумилган ернинг харорати билан тенглашиши учун берилади. Зичликка синаш даврида камалган ҳавонинг бошланғич босими ва бир-икки соатдан кейинги манометрнинг иккинчи қурсатгичи аниқланади. Бу кўрсаткичлар фарқи зичликка синов давридаги босим пасайишини кўрсатади.

Зичликка синаш 3 соатдан 48 соатгача давом этиши мумкин. Рухсат этилган босим пасайиши қувур диаметрига ва синов даврининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади:

а) бир хил диаметрдаги қувурдан ташкил топган газ қузури учун

$$\Delta P = 20T/d,$$

$\Delta P$  - рухсат этилган босим пасайиши, (кПа) ;

$T$  - синов даври, (соат) ;

$d$  - қувур диаметри, (мм).

б) агарда газ қувурлари хар хил диаметрдан иборат бўлса,

$$\Delta P = 20 T ( d_1 l_1 + d_2 l_n + \dots + d_n l_n ) / d_1^2 l_1 + d_2^2 l_n + \dots + d_n^2 l_n$$

$l_1, l_2, \dots, l_n$  - хар хил диаметрдаги қувурларнинг узунлиги, м.

Агарда синов босими симоб устунида олинса, бу формулалар қуйидагича қурилишга эга бўлади:

$$P = 0,3T/d, \text{ мм.сим.уст.}$$

Агарда газ қувури ҳар хил диаметрда бўлса:

$$\Delta P = 0,3 T (d_1 l_1 + d_2 l_2 + \dots + d_n l_n) / d_1^2 l_1 + d_2^2 l_2 + \dots + d_n^2 l_n$$

**d** - қувур диаметри, (м).

### **III.5. ГРПларни синаш ва уларни ишлатиш.**

ГРПлар ишга тушириш даврида қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

- а) ускуналарни кўздан кечириш ва уларни лойиҳага таққослаш;
- б) ГРП ускуналарини мустаҳкамликка ва зичликка синаш.

Мустаҳкамликка синаш бошланғич синов бўлиб, бир соат давомида сиқилган ҳаво билан синалади. Берилган ҳавонинг босими ГРПдан қандай босимда газ чиқишига боғлиқ бўлиб, қуйидагича бўлиши керак:

- а) ГРПдан чиқишдаги босим 0,005 МПа гача бўлса, (0,05 ати) мустаҳкамликка синаш 0,3 МПа босимда бажарилади;
- б) ГРПдан чиқишдаги босим 0,005-0,03 МПа гача бўлса, мустаҳкамликка синаш 0,45 МПа да;
- в) ГРПдан чиқишдаги босим 0,3-0,6 МПа гача бўлса мустаҳкамликка синаш 0,75 Мпада бажарилади;
- г) ГРПдан чиқишдаги босим 0,6-1,2 МПа гача бўлса, мустаҳкамликка синаш 1,5 Мпада бажарилади.

Синаш жараёнида ГРПга босим остида ҳаво берилгандан сўнг, ГРПнинг ҳамма ускуналари, ҳамда ускуналари билан қувурларнинг уланган жойлари (фланецлар), ҳамда қувурларнинг пайванд жойлари совун кўпиғи суртилиб текшириб чиқарилади ва ҳаво чиқаётган жойлар бўр билан белгиланиб, босим пасайтирилгандан сўнг бу жойларнинг зичлиги таъминланади. Шундан сўнг ГРПнинг зичликка синашга ўтилади.

Зичликка синаш ҳам сиқилган ҳаво билан ўтказилиб 12 соат давом этади. Бунда ҳам синов босими ГРПдан чиқишдаги газнинг босимига боғлиқ:

а) чиқишда паст босим (0,005 МПа гача) бўлса, зичликка синов босими 0,1 МПа;

б) чиқишда ўрта босим бўлса (0,3 МПа), босим ҳам 0,3 МПа;

в) чиқишда юқори босим бўлса(0,6 МПа гача) синов босими 0,6 МПа;

г) чиқишдаги юқори босим (1,2 МПа гача) бўлса, сино босими ҳам 1,2 МПа бўлади.

Бундай синаш жараёнида ГРПга сиқилган ҳаво берилгандан сўнг манометр уланади. Унинг кўрсатган босими ёзиб қўйилади. Ундан кейин 12 соат ўтгандан сўнг яна бир бор босим ёзиб олинади. Шу даврдаги босимларнинг пасайиши берилган босимнинг 0,5% идан ошмаслиги керак.

ГРП ускуналарини синовдан ўтказгандан сўнг синов натижалари акт билан расмийлаштирилади ва ишга қабул қилинади, яъни ГРПга газ берилади. Бунинг учун ГРПга киришдаги задвижка очилиб, ПЗК нинг клапани очилади ҳамда босим созлагичнинг мембранаси кўтарилади. Шундан сўнг киришдаги задвижка яна озгина очилиб, фильтр, ПЗК ва босим созлагич орқали газ ўтказилиб, ўтаётган газ-ҳаво аралашмаси ҳайдаш қувурчаси орқали ёки гидравлик сақлаш клапани орқали атмосферага чиқариб турилади ва ПЗКни, ПСКни ҳамда аввало босим созлагични созлаш ишлари олиб борилади. Босим созлагичнинг ишини созлаш даврида унинг пуржинасининг сиқилиши даражаси (агар босим созлагичпуржинали бўлса) ёки бўлмаса босим созлагич мембранасига қўйиладиган юкчаларнинг миқдори (агарда босим созлагич юкли бўлса) ўзгартирилиб, ГРПдан чиқишдаги босим керакли даражага келтирилади. Шундан сўнг ГРПданчиқишдаги задвижка аста очилиб, ГРП ускуналари, қувурларидан газ-ҳаво аралашмаси ҳайдалади. Шу жараёнда ПЗК ва ПСКлар ҳам керакли иш тартибига соланади. Уларни созлашда ҳам пуржиналарнинг сиқилишини ўзгартириб олиб борилади ва керакли босимда уларнинг ёпилиши ёки очилиши таъминланади.

ГРПни ишга тушириш ва созлаш ишлари «газдан хавфли ишлар» бўлиб, махсус инструкцияга мувофиқ бажарилади. ГРПлар одатда қишги ва ёзги мавсумга мўлжаллаб соланади. Қиш даврида ГРПдан чиқишдаги босим максимал ҳисобий босимга яқин бўлиши керак. Ёз даврида ГРПдан чиқишдаги босимни максимал

ҳисобий босимдан пастроқ ушлаш керак. Чунки иссиқ фаслларда истиш системалари ишламаганлиги сабабли газ қувурларидаги газнинг сарфи камаяди ва максимал ҳисобий босимни ушлашга ҳожат қолмайди. Шунинг учун ёзда ГРПдан чиқаётган босим пастроқ қилиб турилади, лекин бу талабни амалга оширишда маҳаллий шароит ва газлаштириш системасининг гидравлик режимини инобатга олиш керак. ГРПларнинг мавсумий созлаш ишларини Райгазнинг ишчилари ГРПларнинг ишларини текшириш даврида бажарадилар. ГРПларнинг ишлашини нормал олиб бориш учун уларни ишлатувчи ташкилотлар ҳар бир ГРПга паспорт тузадилар. ГРПнинг паспортида унда ўрнатилган ускуналарнинг кўрсаткичлари, турлари, ГРПнинг умумий чизмаси келтирилган бўлиб, бу чизмада ҳар бир ускуна кран ва задвижкалар рақам билан белгиланган бўлиши керак. Бундан ташқари ГРПга ўрнатилган ўлчов асбобларининг тулари, ГРП биносининг режаси, ҳамда ГРПни ишлатишдаги ускуналарнинг ишлаш босимлари келтирилган бўлиши керак. Бундан ташқари, ГРПда ишлаганда бажарилиши зарур бўлган меҳнат хавсизлиги, ёнғиндан сақланиш, ҳамда портлашдан сақланиш қоида ва талаблари келтирилган бўлиши керак. ГРПларнинг ишларини хавфсиз олиб бориш мақсадида уларнинг ишини доимий назорат қилиб бориш керак. Назорат қилиш даврида қуйидаги ишлар бажарилиши керак.

- 1) ГРПнинг тўғри ишлашини текшириш, ҳамда текширув даврида маълум бўлган камчиликларни йўқотиш;
- 2) режа асосида ГРП ускуналарининг ишини текшириш;
- 3) профилактик (олдини олиш) тиклаш ишлари олиб бориш;
- 4) ўлчов асбобларининг ишини текшириш, ҳамда алоқа, бошқариш ва телемеханизация ускуналарини текшириш ишлари киради.

ГРПларда олиб борилаётган ҳамма ишларга график тузилиб, бу графикда ҳар бир қилинаётган ишнинг муддати кўрсатилган бўлиши керак. Бу график Горгаз ва Райгазларнинг бош муҳандислари томонидан тасдиқланган бўлиши керак. Бу графикларда қуйидаги ишлар ва уларни ўтказиш муддатлари келтирилади:

- 1) ГРПларни айланиб чиқиш слесарь ва уста ёки муҳандис билан бажарилади. Муддати ҳар ойда 1 марта.
- 2) ГРП ичидаги ҳавони газоанализатор ёрдамида газ бор-йўқлигини текшириш. Бу иш ҳар ойда 2 марта бажарилиши керак.
- 3) режа бўйича ГРП ускуналарининг ишини текшириш, бир йилда 2 марта.
- 4) профилактик ремолнт ишлари йилда бир марта.
- 5) ўлчов асбобларини текшириш ва тамғалаш: бир йилда бир марта;
- 6) ПЗК, ПСК ва РДларнинг созланиши бир йилда икки марта.
- 7) Мўриларни текшириш; йилига бир марта.

ГРП ишини текшириш жараёнида бажариладиган ишлардан мақсад, аниқланган камчиликларни ўз вақтида йўқотиш, ускуналарнинг аниқ созланишини таъминлаш, ҳамда ГРП биносини техник талабларга жавоб берадиган даражада сақлашдир. Бунинг учун ўз вақтида ускуналарнинг зичлигини, фильтрларнинг тозаллигини текшириб бориш, ускуналарнинг ишқаланувчи жойларини мойлаб бориш ва бундан ташқари босим созлагич. ПЗК ва ПСКларнинг мембраналарининг сезгирлигини, ҳамда уларнинг бутунлигини текшириб бориш ишлари киради. ПЗК текширилган пайтда унинг қандай босимда ишлаб, газни ёпиш босимлари аниқланади. Агрда ГРПдан чиқишдаги босим паст босим бўлса (300 мм сув уст), бу босимдан 50-60 мм ошганда ёки чиқишдаги босим керак бўлган босимнинг 10% га тушиб қолса ПЗК берилади. Чиқишдаги босим ўрта ёки юқори босим бўлса, ҳисобий босимдан 20-25% ортганда берилади. ПСК эса ПЗК ишлайдиган босимдан 10-15 мм паст босимда ишлаб газни чиқариб туради. Фильтрларнинг ҳолати ундаги босим пасайишига қараб аниқланади. Агарда ГРПдан чиқишдаги босим паст босим бўлса, фильтрда рухсат этилган босим йўқолиши 500 мм сув уст. га тенг. Агарда ГРПдан чиқишдаги босим ўрта ёки юқори бўлса, унда фильтрда йўқолган босим 1000 мм сув уст. дан ошмаслиги керак. Фильтрни тозалаш ишлари «газдан хавфли» ишлар ҳисобланиб, улар меҳнат хавфсизлиги, ёнғиндан ва портлашдан хавфли қоидалар асосида ўтказилиши керак.

ГРПда бажарилган текширув ишлари, тузатиш ишлари ва созлаш ишлари ГРПнинг паспортига ёзилиши шарт. Бундан ташқари, режа бўйича ГРПда қилинаётган ишлар текширув даврида аниқланган қоида бузилишлар, ГРП ускуналари ишларидаги камчиликлар, уларни йўқотиш учун бажарилган ишларнинг ҳаммаси ГРП журнаliga ёзилиши керак.

### **III.6. Газлаштириш тизимларида ишлатиладиган қувурлар ва ускуналар.**

Газлаштириш тизимларида умумий ҳаражатнинг 60 % гачасини қувурларнинг нархи ташкил қилади. Газлаштириш тизимларида асосан пўлат қувурлардан фойдаланилади, чунки пўлат қувурларнинг узунлиги катта бўлади ва пўлат қувурларни пайванд усулида улаш осон, лекин пўлат қувурлар коррозияга мойилдир. Шунинг учун ер ости қувурлари коррозияга қарши коплама (изоляция) билан уралади. Қишлоқ шароитларида газнинг босими 0,3 МПа гача бўлса, ер ости газ қувурларида полиэтилен қувурларидан ГОСТ 18599-73 фойдаланиш керак. Бунда қувурнинг чуқурлиги камида 1 м бўлиши керак. Пўлат қувурлар кам углеродли бўлиши ва яхши пайвандланиши керак. Газлаштириш тизимларида қуйидаги пўлат қувурлар ишлатилади:

*Чоксиз пўлат қувурлар ГОСТ 8732 -78;  $d_{ин} = 45 \div 3225$  мм.* Бу қувурлар ер ости ва ер усти газ қувурларида ишлатилади.

*Уй ичи газлаштириш тизимларида сув-газ ўтқазувчи қувурлари ГОСТ 3262-75;  $d_{ин} = 15; 32; 40; 50$  мм.*

*Электр пайвандланган тугри чокли қувурлар ГОСТ 10.705-80;  $d_{ин} = 10 \div 530$ ; ГОСТ 10.706-76;  $d_{ин} = 630 \div 1220$  мм;*

*Электр пайванланган спирал чокли қувурлар ГОСТ 8732 - 78;  $d_{ин} = 45 \div 325$  мм.*

Газ қувурлари асосан газ пайвандлаш йўли билан ( қувурнинг диаметри  $d_{ин} \leq 50$  мм бўлса), ҳамда электр пайвандлаш йўли билан уланади. Резьбали улаш фақат газ асбобларини қувурга улаш жойларида ишлатилади. Агарда хавфсизликни инобатга олиб бино ичида пайвандлаш ишини олиб бориш мумкин бўлмаса, унда резьба ёрдамида қувурларни улаш мумкин.

Ер ости газ қувурларининг минимал диаметри  $d_{u} = 50$  мм дан кам булмайди. Бундан ташқари, ер ости газ қувурлари девори калинлиги камида 3 мм, ер усти газ қувурлариники эса камида 2 мм бўлиши керак.

### **Газни беркитиш ускуналари**

Газни ёпиш ускуналари истеъмолчиларни, газ қувурининг маълум булакларини, ҳамда газ асбобларини беркитиш учун қўлланилади. Булар сифатида кранлар, задвижкалар (ёпкичлар), ҳамда гидрозатворлар (гидравлик ёпкичлар) қўлланилади. Гидравлик ёпкичлар ер ости паст босим газ қувурларида ишлатилади. Улар айрим истеъмолчиларни ёпиш учун ишлатилади. Бунинг учун ковер очилиб, гидрозатвор тикини очилади ва гидрозатворга сув қуйилади. Қуйилган сув газнинг йўлини тўсиб, газ ўтишини тухтатади. Гидрозатворга фақат газни беркитишга хизмат қилади. Улар ёрдамида газнинг сарфини ўзгартириш мумкин эмас, фақат очиш ёки ёпиш мумкин.

Гидрозатворлар ернинг музлаш қатламидан пастда жойлашиши керак, чунки йиғилган конденсат музлаб, газни йўлини беркитиб қуяди.

Гидрозатворнинг яхши томонлари: оддий, газни яхши беркитади, улар газдаги конденсатни туплаб, конденсат йиғич вазифасини ҳам бажаради.

### **Кранлар ва ёпкичлар ( задвижкалар)**

Кичик диаметрдаги газ қувурларидаги истеъмолчиларни ва газ асбобини беркитиш учун кранлар ишлатилади. Кранлар герметизация-зичлаштириш усули бўйича улар тортилувчан ҳамда сальникли кранлар бўлади.

Тортилувчан кранлар паст босимда, сальникли кранлар эса асосан коммунал ва саноат корхона паст ва ўрта босим қувурларида ишлатилади.

Материали бўйича кранлар чуяндан ва бронза ёки латундан бўлиши мумкин. Чуян кранлар (Пч.ЗБК) кам очиб ёпиладиган жойларда ишлатилади. Кранлар диаметри 15 мм ÷ 80 мм бўлиши мумкин. Кранларнинг газ қувурига уланиши бўйича резьбали (муфтали), цапкали ва фланецли бўлади.

Газ асбобларни газ қувурига улаш ёки уларни ажратиб олиш учун крандан сўнг сгон ўрнатилади.

Газни ёпиш ускуналари қуйидагижойларда ўрнатилади:

1. Микрорайон ёки газ қувурининг айрим бўлимларини беркитиш учун;
2. Таксимлаш газ қувурларидан ажралган тармоқларда;
3. ГРП ларга кириш ва чиқишда қўйилади; бунда задвижкалар ГРП дан камида 5 м дан нарида бўлиши ва 100 м дан узоқ бўлмаслиги керак.
4. Саноат корхонасига кириш жойида девордан 2 м узоқликда бўлиши керак.

Задвижкалар ер ости газ қувурларида қудуқларига ўрнатилади ва уларнинг энг кичик диаметри 50 мм бўлади. Задвижкалар газни беркитиш ҳамда унинг сарфини узгартиришга хизмат қилади.

Материали бўйича задвижкалар иккига бўлинади:

- 1) чуян понасимон шпиндели чиқмайдиган задвижкалар - 30 ч 47 бк ГОСТ 1235-67. Улар босим 0,6 МПа гача бўлганда ишлатилади.
- 2) пўлат задвижкалар 30 с 41 нж (Зкл2-16). Булар газ босими 1,6 МПа гача ишлатилади.

Бундан ташқари сейсмикаси 8-9 балл бўлган районларда ҳамма газ қувурларда ишлатилади. чунки бундай районларда чуян задвижка ёрилиб кетиши мумкин. Задвижкалар ер ости газ қувурларида, газ қудуқларида, ўрнатилади.

### **Компенсаторлар**

Компенсаторлар линзали ёки сальникли бўлиши мумкин. Газлаштириш тизимсида асосан линза компенсаторлар ишлатилади. Улар задвижкларни монтаж қилишни осонлаштиради ва газ қувурида ҳосил бўладиган ҳароратли кучланишларни узига қабул қилиб, қувур ва задвижкларни ёрилишидан сақлайди.

Задвижка монтаж қилинаётган вақтда компенсаторнинг тортилувчи болтлари тортилади ва компрессор сиқилади. Шундан сунг задвижка уз урнига ўрнатилиб, кистирмаси фланецлар орасига жойлаштирилади ва фланецнинг болтлари жойига ўрнатилади. Шундан сўнг компенсаторнинг тортилувчи болтлари бушатилиб задвижкани маҳкамловчи болтлар тортилади. Компенсаторлар газ йўналиши бўйича задвижкадан кейин қўйилади. Ишчи ҳолатда компенсатор болтлари бушатилиб бўлиши керак.

Газ қудукларида пўлат задвижкалар кулланилганда задвижканинг диаметри  $d_{ин} > 300$  мм бўлса, унда компенсатор урнига қувурнинг қийшик булаги ўрнатилади. қувурнинг қийшик булаги (косая вставка) задвижкани монтаж ва демонтаж ишларини осонлаштиради.

### **Назорат найчаси**

Ер ости газ қувурларидан газ чиқаётганини аниқлаш учун газ қувурларининг бурилиш жойларида, пайванд чоклари устига, ҳамда эски газ қувурига янги газ қувури уланган жойда назорат найчалари ўрнатилади. Улар, қувур устига ўрнатилган қувурнинг ярим булагидан (сегмент), ҳамда унга уланган найчадан иборат. Найчанинг иккинчи учи резъбали тикин билан беркитилади ва ковер тагига ер сатхигача чиқарилади. қувурдан чиқаётган газнинг назорат найчасига ўтишини осонлаштириш сегмент билан газ қувури оралиғи майда тош билан тулдирилади.

### **Назорат пункти**

Назорат пунктлари ер ости газ қувурларида ҳар 200 м дан ўрнатилиб, улар ер ости газ қувурининг ерга нисбатан электр потенциалини улчаш учун ҳамда, газ қувурида бўлиши мумкин бўлган дайди тоқларнинг йўналиши ва кучланиши аниқлаш учун қўлланилади. Назорат пункти икки изоляция қилинган электроддан иборат бўлиб, бири газ қувурига пайванд қилинган, иккинчиси эса, ерга уланган.

#### IV. МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚИСМИ.

Газ хўжалиги иншоотларини лойиҳалаш, куриш, техник назорат қилиш, автоматика, химоя ва сигнализация тармоқларини созлаш, дудбуронлар ва шамоллатиш каналларидан фойдаланиш ҳамда газ хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш ишларини бажарувчи корхоналар ва корхоналарнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, мутахассислари зарур тайёргарликдан ўтишлари, "Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тугрисида намунавий низомга мувофиқ, ишлаб чиқаришлар, объектлар ҳамда ишларга дойр хавфсизлик йўриқномалари ва меъёрларини, улар бажарадиган ишлар ҳажмида билишлари бўйича текширувдан (синовдан) ўтишлари керак. Бу лойиҳани куришда 100 та ишчи катнашади.

Мамлакатимиз меҳнат муҳофазаси Қонун чиқариш ишининг ва бу ишга мос ижтимоий-иқтисодий, техник гигиеник ҳамда ташкилий тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиб, бу тадбирлармеҳнаткашларнинг хавфсиз ишлашини, соғлиғи ва ишлаш қобилиятини сақлашни таъминлайди.

Меҳнат қонунчилиги ва барча ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатларини бошқариб турувчи ҳуқуқий меъёрлари мажмуасидир. Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан қатор қарор ва фармонлар чиқарилиб ишчи қонунлар Хавфсизлик чораларини ҳам қилиш оғир меҳнат шароитларида ишловчилар учун турли хил моддий-маънавий рағбатлар билан таъминлаш кўзда тутилгандир. Бундан ташқари яна мамнуният билан таъминлашимиз мумкинки ишчи ва ходимларнинг бу борада ҳақ ҳуқуқлари қонун билан муҳофазақилингандир

Меҳнат гигиена ва саноат санитарияси, ишчиларнинг касбий касалликларига, зарарланиш ва захарланишга олиб келиши мумкин бўлган зарарли таъсирларни камайтириш ёки бутунлай йўқ қилишга қаратилган ташкилий техника воситаларидир

Ҳар қандай меҳнат жараёнида ишлаб чиқариш муҳитининг одам организмига салбий таъсири бўлади, чунки мушакларнинг куч таъсирида узайиб қисқариши кўп маротаба такрорланиши эвазига марказий нерв толаларида зўриқиш ҳосил

бўлади. Шу сабабли меҳнаткашнинг хавфсизлигини таъминланмаган шароитда ишлаши марказий нерв тизимини тезда толиқишга ва бутун вужудини чарчашига олиб келади.

Бунинг натижасида одамнинг сезувчанлигини ва ишлаш қобилитини кескин пасайтиради. Зарарли меҳнат шароитининг сурункали таъсиридан киши саломатлиги секин аста ёмонлашиб бораверади. (Кўриш ва эшитиш қобилитини пасайиши титроқ касали, рухий толиқиш ва х.к.) Бунинг натижасида одамнинг ижобий меҳнат қилиш қобилияти қисман ёки буткул йўқолиб боради. Бу ҳол касб касаллиги дейилади. Ишчиларнинг соғлигига бевосита таъсир этувчи омиллар қаторига меҳнат шароити, иқлим шароити, иш жойидаги зарарли шовқин ва тебранишлар, ёруғликнинг етишмаслиги, зарарли чанг ва газларнинг меъёридан ошиб кетганлиги ва бошқалар киради. Буларни инсонпарварлик омиллари дейилади ва уларнинг инсонга узоқ таъсири натижасида пайдо бўлган хасталиклар эса касб касаллиги дейилади.

Аҳоли турар жой бинолари ва умумжамоа биноларида газдан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш учун «Газдан хавфсиз фойдаланиш қоидалари»га қаттиқ риоя қилиниши керак. Қоидага зид бўлган ҳар қандай ҳолатда ва махсус кўрсатма бўйича, газ хизматини олиб борувчи раҳбар жавобгар ҳисобланади.

Меҳнат хавфсизлиги хизматини бевосита ташкилотнинг бош раҳбари бошқаради. Унга амалда бу хизматни ташкил этиш учун, унинг ёрдамчиси ва асосий мутассади шахс сифатида техника хавфсизлиги бўйича муҳандис тайинланади ва унга ҳамкорлик учун кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган муҳандис ва техник ходимлар, меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси кўмитаси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлаган вакилларни жалб этади.

Меҳнат хавфсизлиги хизматининг асосий вазифалари қурулиш майдонларида ва унинг билан боғлиқ бўлган иш жараёнларда содир бўладиган жароҳатларни ва бошқа бахтсизликларни келтириб чиқарадиган сабабларни бартараф этиш ва ташкилот маъмуриятининг ишчи хизматчиларига иш шароитини яхшилаб бориши устида назорат қилиб туриши, фан ва техника

ютуқларини жорий қилиш асосида меҳнат хавфсизлиги ва химоя воситаларини муттасил такомиллаштириш, қурилишда меҳнат маъданиятини ошириш бахтсизликларни олдини олишга қаратилган ташкилий ва техник ҳамда санитария тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилиш ва ҳк лардан иборатдир.

Қурилиш раҳбарларидан ишларини қатъий равишда ишлаб чиқариш ва ишни ташкил қилиш, лойihalарга асосан олиб бориш, қурилиш ҳамда ва меъёрлар томонидан қўйилган хавфсизлик қоидаларини ўз вақтида ижро этилишини талаб этиш содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ижро этилишини текшириб расмийлаштиришни талаб этиш ва назорат қилиш шарт.

Қурилишда содир бўладиган бахтсиз ҳодисаларни сабабини аниқлаб уларни қайтарилмаслигини таъминлаш керак.

Газ хўжалигида ишлайдиганларни, газ хўжалигида хавфсиз иш олиб бориш усуллари ва услублари бўйича ўқитиш ишлари "Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тугрисида намунавий низом" (рўйхат раками 272, 1996 йил 14 август) талабларига мувофиқ олиб борилиши керак.

Пўлат ва полиэтилен газ қувурларини пайванд қилиш пайвандчиларни аттестация қилиш қоидалари бўйича ўқиган ва аттестациядан ўтган пайвандчиларга рухсат этилади. Газ асбоблари (техник қурилмалар) ва газ қувурларидан фойдаланиш ва созлаш, қуриш, автоматик тизимлар, сигнализация ва химоя, электр кимёвий химоя қилиш воситалари, газ ишлатувчи мосламалар ва асбоблар, ёнган маҳсулотларни чиқариб юборувчи дудбурон қурилмалари ва вентиляция каналлари қурилмаларидан фойдаланиш билан банд бўлган ишчилар, мустақил ишга қўйилишидан олдин ўрнатилган тартибда, газ хўжалигида хавфсиз ишлаш усул ва услублари бўйича ўқиши ва имтиҳон топширишлари керак.

Бино ва иншоотлар лойihalаниш даврида ёнғин хавфсизлиги чоралари хал қилиниши зарур. Чунки қурилиш ашёларини 80%дан кўп қисмини ёнувчан материаллар ташкил этади. Қурилиш майдонидаги бино ва иншоотларни

эксплуатация қилиш даврида юз бериши мумкин бўлган турли хилдаги кўнгилсиз ходисаларни олдини олиш мақсадида бино бош режасига бу каби муаммолар хал қилиниб келтирилган бўлиши лозим. Қурилиш жараёни ва фойдаланишда бўлган объектларда ёнғинга қарши бурчаклар бўлиши шарт.

Бу каби хавфсизлик чораларини таъминла ганлик юзасидан назорат олиб бориш давлат меҳнат муҳофазаси томонидан қатъий қилиб ўрнатилган. Жамоат биноларида хар битта қават ичида сув сепиш учун мўлжалланган махсус шланкалар сув қувурларига уланган холда жараёнлар қўйилиши лозим. Ёнғинга қарши қўйилган сув таъминоти аҳоли ичимлик суви манбаларида алохида ичимлик суви қилинганлиги мақсадга мувофиқ. Улардан ташқари ёнғин хавфсизлиги бўйича ишчи ходимлар томонидан кўрсатмалар берилган бўлиши лозим.

Ёнғин хавфсизлиги талаблари корхона ҳудудини ёнувчан суюқликлар, ахлат ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантиришга йўл қўйилмайди. Ишлаб чиқариш чиқиндилари, ахлат, тўкилган барглар, қуриган ўтларни мунтазам равишда тозалаб туриш ва корхона ҳудудидан чиқариб ташлаш, енгил алангаланувчи ва ёнувчан суюқликлар тўкилган жойларни эса яхшилаб тозалаш, сув билан ювиш ва устидан қуруқ қум сепиб қўйиш зарур. Иншоотлар, сув ҳавзалари, ёнғинга қарши гидрантлар ҳамда ўт ўчириш ва алоқа воситалари олдида ўтиш йўллари, йўлакчалари ва ўтиш жойлари, шунингдек, қурилмалар ва омборлар оралиғидаги узилишларни тўсиб қўйиш ҳамда улардан материаллар ва жиҳозлар деталларини сақлаш жойлари сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

Ёнғинга қарши сув ҳавзалари ва гидрантлар олдида бориш йўллари ва ўтиш жойларининг йўл копламалари қаттиқ материалдан бўлиши ҳамда сел ва туриб қолган сувларни табиий четлатишни таъминлаш учун, қиялашган бўлиши зарур. Темир йўл устидан ўтган йўллар ва йўлакчаларда, рельс юзаси билан бир текисликда етказилган ялпи копламалар бўлиши зарур.

Ёнғинга қарши машиналарнинг барча бинолар ва иншоотлар олдида юриб келиши учун, улар, йилнинг барча фаслларида қаттиқ копламали бўлиши зарур.

Корхона ҳудудида музлаган қисмлар ва жиҳозларни иситиш учун, очик оловдан фойдаланиш ман этилади. Корхона ҳудудида, бинолар ва иншоотларда чекишга, фақат махсус ажратилган жойларда рухсат берилади. Барча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналар, қурилмалар ёнгинга қарши бирламчи ўт ўчириш воситалари ва ёнгинга қарши инвентар билан таъминланган бўлиши зарур.

Барча ўт ўчириш воситалари, ёнгинга қарши жиҳозлар ва инвентар мунтазам равишда тўлик соз ҳолатда сақлаб турилиши зарур.

## ХУЛОСА.

Менга берилган диплом лойиҳом Нукус шахридаги турар-жой мавзесини газ билан таъминлаш бўлиб, бунда газ тармоқларининг жойлаштирилиши, ГРП лардаги газ сарфлари, аҳоли сони, биноларнинг қаватлар режаси, ҳозирги ва келажакдаги халққа хизмат кўрсатиш шоҳабчалари кўрсатилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси КМК талабларига жавоб берадиган тартибда ишлаб чиқилди. Бу турар-жой мавзеси Мубарок газ конидан газни истеъмолчиларга етказиб беради.

Диплом лойиҳа ишимда Нукус шахрининг тавсифномаси, газнинг характеристикаси, газ қувурлари, газ босимини созлаш пунктлари, газ тармоқларининг гидравлик ҳисоблари ЭХМ да ишланган бўлиб, замонавий талабларни ўз ичига олган.

Диплом лойиҳа ишимда \_\_\_ варақ, \_\_\_ чизмадан иборат бўлиб, бажарилган ишлар диплом мундарижаси асосида келтирилган.

Шуни ишонч билан айтаманки, кележакта халқимга газ саноати ривожига ўз ҳиссамни қўшиб, халқимни газ билан таъминлашга ҳаракат қиламан.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республика Президенти Ислон Каримов. 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz).
2. Ислон Каримов. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007. – 64 бет.
3. Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009.- 56 б.
4. Рашидов Ю.К. Газ таъминоти. Ўқув қўлланма. Тошкент архитектура-қурилиш институти. Тошкент, 2000.- 79 бет.
5. Рашидов Ю.К., Саидова Д.З. Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция тизимлари Ўқув қўлланма. Тошкент архитектура-қурилиш институти. Тошкент, 2002. -146 бет.
6. Рашидов Ю.К. Газдан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. Тошкент архитектура-қурилиш институти. Тошкент, 2003.- 72 бет.
7. ҚМҚ 2.01.01-94. «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар». Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қумитаси. Тошкент. 1994.- 29 бет.
8. ҚМҚ 2.01.04 -97 “ Қурилиш иссиқлик техникаси” Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қумитаси ,Тошкент, 1997.- 38 бет.
9. ҚМҚ 2.08.02-96. “Жамоат бинолар ва иншоотлар”. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қумитаси, Тошкент, 1996.
10. ШНК 2.04.08-13. «Газ таъминоти. Лойиҳа меъёрлари». Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қумитаси. Тошкент. 1996.- 81 бет.

11. ШНК 2.07.01-03 “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини қурилишини режалаштириш”. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қумитаси. Тошкент. 2003.
- 12.Ионин А.А. Газоснабжение. Учебник для вузов.-М.: Стройиздат,1989.
- 13.Кулаков Н.Г., Бережнов И.А. Справочник по газоснабжению. Киев. Будивельник, 1979, 224 с.
- 14.Скафтымов Н.А. Основы газоснабжения. Л.: Недра, 1975, 343 с.
- 15.Правила безопасности в газовом хозяйстве Республики Узбекистан. Министерство коммунального обслуживания Республики Узбекистан .Ташкент 1997. 141 с.
- 16.Правила технической эксплуатации газового хозяйства Республики Узбекистан. Министерство коммунального обслуживания Республики Узбекистан .Ташкент 1997. 258 с.
- 17.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).